

ХИ. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

Чакана савдо товар айланмаси. 2020 йилнинг январь-март ойларида Республикада чакана савдо товар айланмаси 40 127,4 млрд. сўмни ёки 2019 йил шу даврига нисбатан 103,8 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 5,6 % га ўсиб, 6 022,7 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 15,0 % ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 3,5 % га ўсиб, 34 104,6 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 85,0 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2020 йил январь-март)



Ўзбекистон Республикасида чакана савдо товар айланмасининг мулкчилик шакли бўйича улуши (2020 йил январь-март)

2020 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади:


Давлат мулки 52,3 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,13 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулк 40 075,1 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,87 % ни ташкил қилди.



Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 21,9 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,5 %, Самарқанд вилояти 8,1 %, Андижон вилояти 7,9 % ва Фарғона вилояти 7,8 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,9 %, Қорақалпоғистон Республикаси 3,5 % ва Навоий вилояти 3,5 % улуш билан энг паст кўрсаткичларни қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши
(% ҳисобида)



2020 йилнинг январь-март ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 105,6 % ни ташкил этди. Ўз навбатида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан Қашқадарё (233,5 % га), Самарқанд (161,5 % га), Жиззах (124,1 % га) вилоятларида юқори ўсиш кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 1 060,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 4,3 % га камайди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 2,6 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 44,1 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 9,7 %, Самарқанд вилояти 7,4 %, Бухоро вилояти 7,2 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,1 %, Хоразм вилояти 2,0 % ва Жиззах вилояти 2,5 % улуш билан энг паст кўрсаткичларни қайд этди.


Чакана савдо товар айланмаси

(2020 йил январь-март, умумий оқатланишни қўшган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2019 йилнинг шу давирга нисбатан % да	минг сўм	2019 йилнинг шу давирга нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	40 127,4	103,8	1 181,2	101,8
Қорақалпоғистон Республикаси	1 424,0	101,1	749,1	99,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	3 174,1	101,6	1 012,9	99,6
Бухоро	2 388,6	103,2	1 239,9	101,7
Жиззах	1 656,1	106,1	1 195,5	103,8
Қашқадарё	2 926,0	105,5	890,2	103,3
Навоий	1 386,5	101,9	1 388,2	100,1
Наманган	2 575,1	105,2	914,3	103,0
Самарқанд	3 268,3	110,8	841,3	108,5
Сурхондарё	2 584,2	103,1	980,8	100,7
Сирдарё	758,5	101,3	894,5	99,3
Тошкент	4 207,9	102,1	1 428,0	100,5
Фарғона	3 146,1	102,4	836,9	100,5
Хоразм	1 844,4	101,3	986,7	99,7
Тошкент ш.	8 787,4	103,8	3 406,9	101,3

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 1,8 % га ошиб, 1 181,2 минг сўмни ташкил этди (2019 йилнинг шу даврида 1 021,0 минг сўм). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларини Тошкент шаҳри (3 406,9 минг сўм), Тошкент вилоятида (1 428,0 минг сўм) ва Навоий вилоятида (1 388,2 минг сўм), энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида (749,1 минг сўм), Фарғона вилоятида (836,9 минг сўм) ва Самарқанд вилояти (841,3 минг сўм) қайд этди.


2020 йил январь-март ойларнда аҳоли жон бошига
чакана савдо товар айланмаси, (минг сўм)



2020 йилнинг январь-март ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,6 фоизни ташкил этиб, 1 060,8 млрд. сўмга етди ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан эса 4,3 фоизга камайди. Бунда жами савдо айланмасининг 83,7 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, умумий овқатланиш ташкилотларининг товар айланмасида йирик корхоналар улуши 16,3 фоизни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича энг юқори улуш Тошкент вилояти (26,1 %), Тошкент ш. (22,7 %) ва Самарқанд (16,5 %) вилоятларига тўғри келмоқда.


**Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар,
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши, % да
(2020 йил январь-март)**



Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси

2020 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,6 % ни ташкил этиб, 1 060,8 млрд. сўмга етди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 4,3 % га камайди. Бунда жами савдо айланмасининг 83,7 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Худудлар кесимида умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси ўсиш суръатлари, % да





Умумий овқатланиш корхоналарида савдо айланмасининг нисбатан юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига (республиканинг жами товар айланмасининг 44,1 %) тўғри келмоқда. Нисбатан юқори ҳажм Тошкент (9,7 %), Самарқанд (7,4 %) ва Бухоро (7,2 %) вилоятларида кузатилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси. 2020 йилнинг январь-март ойларида улгуржи савдо товар айланмаси 19 329,2 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 100,5 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 1,1 % га ўсиши кузатилиб, ҳажми 4 995,3 млрд. сўмни ва жами улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши 25,8 % ни ташкил этганини кўриш мумкин.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатига эришган бўлсада, айрим худудларда товар айланмасининг камайиши кузатилди. Ҳусусан, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан бошқа барча худудларда пасайиш кузатилган.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган даврга нисбатан 0,3 % га ўсиши кузатилиб, 14 333,9 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 74,2 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси
(2020 йил январь-март)

	Жами, млрд. сўм	Жамига нисбатан, % да	2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	19 329,2	100,0	100,5
Қорақалпоғистон Республикаси	375,2	1,9	92,5
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	754,9	3,9	108,0
Бухоро	499,7	2,6	93,9
Жиззах	440,6	2,3	86,8
Қашқадарё	544,3	2,8	75,0
Навоий	364,8	1,9	67,0
Наманган	480,0	2,5	78,3
Самарқанд	1 389,9	7,2	94,8
Сурхондарё	640,8	3,3	105,3
Сирдарё	316,9	1,6	83,0
Тошкент	1 839,9	9,5	98,9
Фарғона	1 259,5	6,5	98,0
Хоразм	380,6	2,0	71,1
Тошкент ш.	10 042,0	52,0	109,4

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

(2020 йил январь-март)

	Жами (млрд. сўм)	2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да	Йирик корхоналар (млрд. сўм)	2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да	Микрофир- ма ва кичик корхоналар (млрд. сўм)	2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	19 329,2	100,5	4 995,3	101,1	14 333,9	100,3
Қорақалпоғистон Республикаси	375,2	92,5	109,3	79,3	265,9	99,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	754,9	108,0	286,6	129,3	468,4	98,1
Бухоро	499,7	93,9	92,1	67,5	407,5	103,0
Жиззах	440,6	86,8	132,0	67,4	308,6	99,0
Қашқадарё	544,3	75,0	99,7	33,8	444,7	103,2
Навоий	364,8	67,0	106,0	36,7	258,9	101,0
Наманган	480,0	78,3	178,5	56,5	301,5	101,6
Самарқанд	1 389,9	94,8	351,8	78,9	1 038,1	101,8
Сурхондарё	640,8	105,3	223,2	115,0	417,6	100,8
Сирдарё	316,9	83,0	66,1	48,7	250,9	101,9
Тошкент	1 839,9	98,9	964,1	95,4	875,8	103,0
Фарғона	1 259,5	98,0	219,0	88,3	1 040,5	100,3
Хоразм	380,6	71,1	90,7	37,7	289,9	98,4
Тошкент ш.	10 042,0	109,4	2 076,3	194,4	7 965,7	98,2

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Чакана савдо – савдо соҳасида якуний истеъмол учун аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолият, яъни товарларни фойдаланиш соҳасидан шахсий ёки умумий истеъмол соҳасига ўтган вақтдаги ҳаракатининг якуний босқичини ифодалайди.

Чакана товар айланмаси – товарларни сотиш тармоқларидан қатъий назар, аҳолига истеъмол товарларини нақд ҳисоб-китоб асосида ёки пластик карточкалари, кредит карточкалари, банкларнинг ҳисоб чеклари орқали (бу ҳам нақд ҳисоб-китоб асосида сотиш каби ҳисобга олинади) сотилган қиймати.

Умумий овқатланиш – юридик шахслар томонидан пазандачилик маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ва истеъмолини ташкил қилишга ихтисослаштирилган фаолиятни амалга ошириш.

Умумовқатланиш айланмаси жойида аҳолига истеъмол учун, шунингдек, турли контингентдаги аҳолини овқатланишини ташкил қилиш учун ташкилот ва яқка тадбиркорларга ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини (таом, кулинария маҳсулотлари ва яримфабрикатлар), шунингдек, кулинария ишловисиз сотиб олинган товарларни (унли, қандолатли ва нон маҳсулотлари) сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

Товар захиралари – чакана савдо корхоналари балансида турган ва келгусида сотиш учун мўлжалланган товарлар қолдиғи.

Товар айланмасининг товар тузилмаси – умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат, яъни товар айланмаси таркиби.

Улгуржи савдо - тижорат мақсадларида ёки ўзининг ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжларига фойдаланиш учун, харид қилинган товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўйича сотиш.

Истеъмол товарлари – якуний истеъмолга (оилавий ёки шахсий) қаратилган, бевосита инсон эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар.

Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Улгуржи савдо товар айланмаси – тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди.

Товар захиралари – товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналари балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиғи.

Товар айланмасининг товар тузилиши – товар айланмаси таркиби, умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат.